SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**


*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
OʻZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING OʻRNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARGʻONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102


**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**


*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ........ 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI ........ 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ........ 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ........ 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ........ 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ........ 147-155

*Qurbonov Ma'murjon G'ayrat o'g'li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ........ 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ........ 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ........ 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO'NALTIRISH ZARURIYATI ........ 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ........ 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XOʻJALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ........ 246-250

**_09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ_**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........ 251-259

*Ibroximov Sarvar Moʻydinjon oʻgʻli*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA OʻQITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 260-265

*Yuldashev Ibroxim Toʻychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN’ATINING ADABIYOT BILAN OʻZARO UYGʻUNLIGI VA GʻOYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ........ 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING OʻZIGA XOSLIGI ........ 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ........ 278-283

**_10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ_**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
OʻZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BOʻYICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ........ 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHE’RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ........ 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'....305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO‘NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO‘LLANILISHI ........................................................................................................319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ .....326-342

*Khusanov Eldor Davlat o‘g‘li*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ........................................................................................................343-348

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .........................................349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........................................................................................356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ......................................................................................363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ..................................373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” ..............................383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ..................................................................................393-399

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ...........................................400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .............................................................................................410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00-Иқтисодиёт фанлари*

**Маматов Бахадир Сафаралиевич**
Тошкент молия институти доценти, DSc.
Email: bahadir_mamatov@mail.ru
Тел: +99899-854-77-40

# РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада хорижий мамлакатлар пенсия таъминоти тизими тажрибалари, улардаги амал қилаётган пенсия моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти учун давлат харажатлари, халқаро меъёрларига мувофиқ пенсия миқдорларининг минимал стандартлари ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатларида пенсия тизимининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонда фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** пенсия, пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия тўловлари, пенсия фондлари, самарадорлик, қопланиш коэффициенти, рисклар, пенсия миқдори, иш ҳақи миқдори, меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар сони, ижтимоий суғурта бадали, иқтисодий фаол аҳоли, ялпи ички маҳсулот, пенсия модели, тақимланувчи пенсия тизими, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, хусусий пенсия фондлари, инвестициялар.

**Маматов Бахадир Сафаралиевич**
Доцент Ташкенсткого финансового института, DSc.
Email: bahadir_mamatov@mail.ru
Тел: +99899-854-77-40

# ОПЫТ СИСТЕМЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В РАЗВИТЫХ И РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАН

**Аннотация.** В данной статье раскрыта опыт системы пенсионного обеспечения зарубежных стран, действующие пенсионные модели и их особенности. Проведен анализ основных показателей пенсионной системы в странах членах Евразийского экономического союза, минимальные нормы социального обеспечения и государственные расходы на пенсионного обеспечения в странах Европейского Союза. По результатам исследования разработан научные предложении и практические рекомендации по совершенствованию системы пенсионного обеспечения в Узбекистане.

**Ключевые слова:** пенсия, пенсионное обеспечение, пенсионная система, пенсионные выплаты, пенсионные фонды, эффективность, коэффициент покрытия, риски, размер пенсии, размер заработной платы, трудоспособное население, численность пенсионеров, взносы на социальное страхование, экономически активное население, валовой внутренний продукт, пенсионные модели, распределительная пенсионная система, накопительная пенсионная система, частные пенсионные фонды, инвестиции.

**Mamatov Bahadir Safaralievich,**
Associate Professor of Tashkent Financial Institute, DSc.

Email: bahadir_mamatov@mail.ru
Phone: +99899-854-77-40

## EXPERIENCE OF THE PENSION SYSTEM IN DEVELOPED AND DEVELOPING COUNTRIES

**Abstract.** This article reveals the experience of the pension system of foreign countries, the current pension models and their features. The analysis of the main indicators of the pension system in the member countries of the Eurasian Economic Union, the minimum standards of social security and government spending on pension provision in the European Union countries is carried out. Based on the results of the study, scientific proposals and practical recommendations for improving the pension system in Uzbekistan have been developed.
**Keywords:** pension, pension provision, pension system, pension payments, pension funds, efficiency, coverage ratio, risks, pension size, salary size, able-bodied population, number of pensioners, economic dependence coefficient, coverage coefficient, social insurance contributions, economically active population, gross domestic product, pension models, distributive pension system, accumulative pension system, private pension funds, investments

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N22

**Кириш.** Тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларда фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш, пенсия даврида муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш, бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш кабилар пенсия тизимининг асосий мақсадларидандир. Қолаверса, «пенсия тизимининг барқарор амал қилиши жамиятда ижтимоий барқарорликнинг гарови ҳисобланади ва аксинча, пенсия таъминотининг нобарқарорлиги кучли ижтимоий хавфни юзага келтиради» [1]. Шу нуқтаи назардан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия тизими бўйича илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш миллий пенсия таъминотини тизимини барқарор ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Узоқ хорижлик иқтисодчи-олимлардан Jun Peng [2], Collin Campbell [3], Gemma Charlotte Tetlow [3] кабиларнинг илмий асарларида пенсия ва ижтимоий суғурта масалалари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими тадқиқ қилинган.

Яқин хорижлик иқтисодчи-олимлардан В.Роик [3], С.Орлов, А.Шеметов [6], Хить Л.В. [7] илмий-тадқиқотларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий суғуртанинг аҳамияти ва зарурлиги, фуқаролар пенсия таъминотидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, нодавлат пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Н.Мажидов [8], Д.Рустамов [9], Ш.Ражабов [10] ларнинг илмий ишларида мамлакатимизда фуқаролар пенсия таъминоти тизими, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари бўйича муҳим илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертация ишида гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, кузатиш ва таққослаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик усулларидан фойдаланилган.

**Муҳокама ва натижалар.** Европа Иттифоқ таркибига кирувчи мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими, асосан, авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойили асосида ташкил этилган. Давлат пенсия таъминотида суғурта бадаллари солиқлар кўринишида ёлланма ишчилардан йиғиб олиниб, давлат пенсия фондларига йўналтирилади. Европа Иттифоқ мамлакатларидаги хусусий пенсия таъминоти бўйича дастурларда пенсия суғуртаси бадаллари суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасидаги келишилган битимлар асосида хусусий пенсия жамғармаларига жалб этилади. Давлат пенсия таъминоти тизими иқтисодиётнинг давлат секторида фаолият юритаётган ишчилар учун амал қилиб келган бўлиб, ҳозирда ушбу пенсиялар миқдорини камайтириш ва пенсия таъминоти олиш учун қўйиладиган талабларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда шакллантирилган пенсия таъминоти тизимини икки йирик моделга ажратиш мумкин (1-жадвал): пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими ва суғурта муносабатлари асосида шакллантирилган суғуртавий пенсия тизими.

**1-жадвал**

**Пенсия таъминоти тизимининг муҳим хусусиятлари** [11]

| **Кўрсаткичлар** | **Суғуртавий тизим** | **Универсал тизим** |
|---|---|---|
| Таъминланганлик даражаси | Стандарт | Минимал |
| Пенсия таъминоти шакли | Аввалги шакллантирилган даромадларга асосланган пенсия | Аввалги даромадларга асосланмаган пенсия |
| Молиявий таъминоти | Ижтимоий суғурта асосида | Солиқлар асосида |
| Пенсия таъминотидан фойдаланишнинг дастлабки шарти | Суғурта муассасасига аъзолик | Мамлакатда яшаш ёки фуқаролик |
| Ташкилий шакли | Ўз-ўзини бошқарувчи суғурта фондлари | Давлат муассасалари |

Қайд этиш лозимки, «Европа Иттифоқ мамлакатларида ижтимоий соҳа бюджетининг 60 фоизи суғурта ажратмалари ҳисобидан шаклланади» [12]. Бу эса пенсия таъминотини амалга оширишда ижтимоий суғурта муносабатларининг ривожлаганлик даражасини англатади. Сабаби, хорижий тажрибада ижтимоий соҳа фаолиятини ташкил этишда суғурта муносабатлари етакчи ўринни эгаллайди.

Европа Иттифоқ мамлакатларида суғуртавий пенсия таъминоти тизими қуйидаги тамойиллар асосида шаклланди:

– иқтисодий фаол аҳолини суғурталаш;

– пенсия тўловларини молиялаштириш ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади;

– пенсияларнинг миқдори суғурталанувчининг аввалги даромадлари ва суғурта (меҳнат) стажига боғлиқ.

Мазкур мамлакатларда пенсия таъминоти тизими ягона концепция асосида фаолият юритса-да, уларнинг баъзи фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан, молиялаштириш тартиби, ташкилий тузилиши ва функционал вазифалари шулар жумласидандир. Шу боис, суғуртавий пенсия модели Европа Иттифоқ мамлакатларида аралаш шаклларда намоён бўлади. Масалан, тақсимлаш (мажбурий суғурта пенсияси), қўшимча пенсия дастурлари (Франция ва Испания) тақсимот пенсия тизими шаклида амалга оширилади, тўловлар инвестициялашга йўналтирилади (Нидерландия). Моҳиятан бир-биридан фарқли тарзда юзага келган бўлса-да, лекин, амалиётда улар ўзаро аралаш ҳолда ҳам амалга оширилади. Пенсия тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ушбу икки моделнинг интеграциясини кузатиш мумкин.

Тараққий этган мамлакатларда пенсия таъминотини қуйидагича таснифлаш мумкин: давлат мажбурий пенсия таъминоти; қўшимча пенсия таъминоти тизими (хўжалик субъектлари томонидан ишчи-ходимлари учун пенсия суғуртасини тўлаш орқали юзага келади); шахсий суғуртавий пенсия дастурлари. Қайд этилган уч босқичли пенсия таъминоти тизими Европа Иттифоқ мамлакатлари учун характерли бўлиб, уларни ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур: пенсия таъминоти тизимининг аҳолини қамраб олиш кўлами; пенсия тўловларини тўлашдаги шартлар; молиялаштириш манбалари ва тамойиллари. Масалан, ҳозирги кунда «Буюк Британияда пенсия таъминоти хизматининг аҳолини қамраб олиш даражаси қуйидагича» [13]: давлат мажбурий пенсия таъминоти – 65 %; қўшимча пенсия таъминоти тизими (хўжалик субъектлари томонидан таъминланадиган пенсия суғуртаси) – 25 %; шахсий суғуртавий пенсия таъминоти – 10 %.

Демак, пенсия таъминотининг муҳим жиҳатларидан бири – бу аҳоли қамрови даражаси. Шу боисдан, универсал пенсия таъминоти тизими мамлакатда доимий истиқомат қилувчи аҳолини қамраб олса, Дания ва Нидерландия каби давлатларда, нафақат, доимий яшовчи ўз фуқароларини, балки доимий яшовчи бошқа давлат фуқароларини ҳам яшаш даврида қамраб олишни кўзда тутади. Пенсия таъминотини аҳолини қамраб олиши нуқтаи назаридан уч қисмга ажратиш мумкин: биринчиси, пенсия суғуртаси фақат шартнома асосида фаолият кўрсатувчи кишиларни назарда тутади (Дания ва Швеция); иккинчиси, шартнома асосида ишловчилардан ташқари ўз хусусий фаолиятига эга бўлганларни қамраб олади (Австрия, Италия ва Нидерландия); учинчиси, иш билан банд бўлган барча аҳолининг пенсия таъминотини ўзида ифода этади (Франция, Буюк Британия ва Швеция).

Пенсия таъминоти тизимининг қамраб олиш миқёсининг оширилиши амалга оширилган тадбирларнинг кенг кўламда ислоҳ қилинишини тақозо этади. Хусусан, аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бюджет маблағларининг ошиши билан боғлиқ бўлса, бунинг натижасида умр кўриш даврининг бир йилга узайиши пенсия ёшига етган аҳолининг сони ошишига замин яратади. Бу эса, ўз ўрнида, пенсия ёшидаги аҳолининг ҳам моддий эҳтиёжларини, ҳам тиббий хизматларга бўлган талабини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

Меҳнат бозорида нобарқарорликларнинг юзага келиши натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг доимий ёки тўлиқ ишга эга бўлмаётганлиги пенсия таъминоти фондларининг молиявий ҳолатига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, «Европа Иттифоқнинг 15 дан ортиқ мамлакатларида вақтинчалик ишга эга

бўлаётганлар 25 фоизни ташкил этса, тўлиқсиз иш кунида ишловчилар улуши эса 20 фоизни ташкил этмоқда» [15]. Бундай манзара ижтимоий суғурта фондларига келиб тушувчи маблағларнинг камайишига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, натижада, пенсия таъминоти тизимида давлат харажатлари улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти учун давлат харажатлари, ЯИМ ҳажмига нисбатан фоизда** [16]

| Мамлакатлар | 2010 йил | 2015 йил | 2020 йил | 2030 йил | 2040 йил | 2050 йил | 2060 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Австрия | 14,1 | 14,4 | 15,1 | 16,7 | 16,5 | 16,4 | 16,1 |
| Белгия | 11,0 | 11,9 | 13,1 | 15,5 | 16,5 | 16,7 | 16,6 |
| Чехия | 9,1 | 8,6 | 8,7 | 8,9 | 9,7 | 11,0 | 11,8 |
| Дания | 10,1 | 10,4 | 10,8 | 10,7 | 10,3 | 9,6 | 9,5 |
| Эстония | 8,9 | 7,8 | 7,7 | 8,2 | 8,1 | 8,0 | 7,7 |
| Финляндия | 12,0 | 12,8 | 14,0 | 15,6 | 15,2 | 14,9 | 15,2 |
| Франция | 14,6 | 14,4 | 14,4 | 14,9 | 15,2 | 15,1 | 15,1 |
| Германия | 10,8 | 10,5 | 10,9 | 12,0 | 12,7 | 13,0 | 13,4 |
| Греция | 13,6 | 14,1 | 13,7 | 14,1 | 14,9 | 15,4 | 14,6 |
| Венгрия | 11,9 | 11,9 | 11,5 | 11,1 | 12,1 | 13,5 | 14,7 |
| Ирландия | 7,5 | 8,3 | 9,0 | 9,0 | 10,0 | 11,4 | 11,7 |
| Италия | 15,3 | 14,9 | 14,5 | 14,5 | 15,6 | 15,7 | 14,4 |
| Люсембург | 9,2 | 9,9 | 10,8 | 14,0 | 16,5 | 18,1 | 18,6 |
| Нидерландия | 6,8 | 6,8 | 7,4 | 9,1 | 10,4 | 10,4 | 10,4 |
| Польша | 11,8 | 10,7 | 10,9 | 10,9 | 10,3 | 10,0 | 9,6 |
| Португалия | 12,5 | 13,3 | 13,5 | 13,2 | 13,1 | 13,1 | 12,7 |
| Словакия | 8,0 | 8,1 | 8,6 | 9,5 | 10,6 | 12,2 | 13,2 |
| Словения | 11,2 | 11,8 | 12,2 | 13,3 | 15,8 | 17,9 | 18,3 |
| Испания | 10,1 | 10,4 | 10,6 | 10,6 | 12,3 | 14,0 | 13,7 |
| Швеция | 9,6 | 9,7 | 9,6 | 10,1 | 10,2 | 9,9 | 10,2 |
| Буюк Британия | 7,7 | 7,4 | 7,0 | 7,7 | 8,2 | 8,2 | 9,2 |
| ЕИ 27 | 10,8 | 10,9 | 11,1 | 11,9 | 12,6 | 13,1 | 13,2 |

Шартли пенсия ҳисоб-рақами тизими амал қилувчи Италия, Польша ва Швеция каби давлатларда давлат харажатларининг кескин ўсмаётганлигини кузатамиз. Бунда мавжуд пенсия таъминоти институтининг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Пенсия таъминоти тизимига давлат харажатларининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариши, асосан, ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари пенсия таъминоти тизимига давлат харажатларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади ёки аксинча.

Иқтисодий ва демографик ўзгаришлар сезиларли даражада юз бераётганлиги ҳам пенсия таъминоти қамрови миқёсига фаол таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, пенсия ёшининг қандай белгиланиши муҳим ҳисобланади. Баъзи Европа Иттифоқ давлатларида пенсия ёшига етгандан сўнг ҳам иш фаолиятини давом эттириш ҳолатларига рухсат берилган. Бу эса, пенсия ёшидан кейинги меҳнат фаолияти пенсия миқдорини оширишга хизмат қилиши мумкин. Масаланинг иккинчи жиҳати, баъзи ҳолларда меҳнатга лаёқатлилар билан пенсионерлар ўртасидаги нисбатнинг ошишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, замонавий иқтисодиёт шароитида туғилишлар сонининг сезиларли камайиши ва ўртача умр кўриш давомийлигининг узайиши натижасида пенсия таъминоти тизимида молиявий муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, «Европа Иттифоқда 65 ёшдан ошганлар аҳолининг 16 фоизини ташкил этса» [17], БМТнинг тадқиқотларига кўра, ушбу кўрсаткич 2030 йилгача 25 фоизга, 2050 йилга бориб эса 28 фоизга етади. Ҳозирги кунда «Европа Иттифоқда 65 ёшдан ошган ҳар бир кишига 4 та меҳнат қилувчилар тўғри келса, 2050 йилга бориб мазкур рақам Буюк Британияда 2,4 ни, Францияда 2,3 ни ташкил этса, Германия ва Италияда бир мунча мураккаб вазият юзага келиб, мос равишда 2 ва 1,5 ни ташкил этади» [18].

Пенсия таъминоти тизимида пенсия ёшини ошириш орқали айрим муаммоларни ҳал этиш тенденциялари Европа Иттифоқ мамлакатларида кузатилмоқда. Хусусан, «Франция қуйи палатаси томонидан тасдиқланган пенсия ислоҳотларида пенсия ёши 2018 йилга бориб 60 дан 62 га оширилиши белгиланди. Бу билан эса, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи 65 дан 67 га етказилади» [19].

1960-2000 йиллар мобайнида Европа Иттифоқда ўртача умр кўриш давомийлиги 4 йилга узайган бўлса, 2060 йилгача бўлган даврда ушбу кўрсаткич эркакларда 8,5 йилни, аёлларда 6,9 йилни ташкил этади. Шунингдек, «туғилишлар сони ҳар бир аёлга тўғри келувчи (2,1 та) туғилиш мезонидан ҳам кам бўлмоқда. Масалан, ушбу кўрсаткичнинг энг юқори даражаси Францияда 2,0 ни ташкил этмоқда. Европа Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич эса, 1,4 бўлмоқда. Мазкур кўрсаткич Ўзбекистонда 2,5 тага тўғри келмоқда» [20].

Европа Иттифоқ мамлакатларида юзага келаётган бу каби муаммолар ижтимоий соҳада молиявий қийинчиликларни юзага келтиради. Бу эса пенсия таъминоти тизими учун харажатлар ҳажми ошишига олиб келади. Хусусан, пенсия ёшидаги аҳолининг жами аҳолига нисбатан улуши ошаётганлиги тизимда молиявий нобарқарорликни намоён қилади. Ёши катта аҳолининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжи 2 баробардан зиёд ошади. Бу эса, ижтимоий соҳада комплекс молиявий ислоҳотларни талаб этади.

Европа Иттифоқ мамлакатларида хусусий пенсия фондлари аҳолини кексайган даврларида уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Европа Иттифоқ мамлакатларида пенсионерлар сонининг ортиб бориши ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг камайиши шароитида хусусий ва жамғариб бориладиган пенсия фондлари янада долзарблик касб этади. Ҳозирги кунда кекса ёшдаги аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашнинг самарали механизмларидан бири хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳисобланади.

Хусусий пенсия фондлари, аввало, англо-америка пенсия тизимига эга мамлакатларда (Англия, АҚШ, Канада) пайдо бўлган. Бироқ, XX асрнинг охирларида бундай фондлар Европа Иттифоқ мамлакатларида ташкил этилди. Бир вақтнинг ўзида «Ғарбий Европадаги пенсия таъминотида суғурта компаниялари муҳим ўрин эгаллади» [21].

Хусусий пенсия фонди ижтимоий таъминоти бўйича нотижорат ташкилотининг ўзига хос шакли ҳисобланади ва хусусий пенсия таъминотини амалга оширади. Хусусий пенсия фонди молиявий жиҳатдан мустақил бўлган банкдан ташқари молия-кредит муассасаси бўлиб, иш берувчилар ва ишчиларнинг ихтиёрий ва мажбурий пенсия бадалларини жамғариб боради ва ушбу маблағларни иқтисодиётнинг турли соҳа ва

тармоқларига йўналтиради (инвестициялайди). Бундан мақсад фуқароларга улар пенсия ёшига етганларида муносиб пенсия тўлашдир. Хусусий пенсия фондларининг ижтимоий аҳамияти шундаки, у мамлакат фуқароларини ихтиёрий пенсия суғуртаси тизимига жалб қилади.

Нодавлат пенсия жамғармалари – молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий маблағлари ҳисобига уларни пенсия билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (хусусий) пенсия таъминоти билан шуғулланади. Жамғарма фаолияти нодавлат пенсия таъминоти жамғармаси қатнашчиларини ихтиёрий равишда бирлаштиради ҳамда пенсия бадалларини .инвестициялаш ва самарали бошқариш, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш ҳамда жамғарма томонидан пенсия мажбуриятларини бажаришни ўз ичига олади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг умумий пенсия таъминотидаги давлат пенсияси улуши 40-50% дан ошмайди. Қолгани хусусий пенсия тизимлари орқали таъминланади. Россия Федерациясида нодавлат пенсия инфратузилмасини ривожлантириш пенсиянинг иш ҳақи ўрнини босиши коэффициентини ошириш масаласини ҳал қилишга ёрдамлашган эди, ҳозирги кунда бу коэффициент жуда паст даражада бўлиб, тахминан 25 фоизни ташкил этади. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ХМТ томонидан қабул қилинган «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенция ҳамда Европа ижтимоий таъминот кодексида барча мамлакатлар пенсионерлар учун ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрларига эришиш лозимлиги кўрсатилган (3-жадвалга қаранг). ХМТнинг тавсияларига кўра, ёшга доир пенсия миқдори пенсия олувчининг йўқотилган умумий даромадлари (аввалги иш ҳақи) суммасининг камида 40 фоизини қоплаши лозим.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) мамлакатларида ҳам 2016-2020 йилларда пенсия тизимида қопланиш коэффициенти 40 фоизлик даражани қайд этмаган. Бироқ, «Европа Иттифоқ мамлакатларида қопланиш коэффициенти 60 фоиз атрофида тебранади, ИҲТТга аъзо мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 54,5 фоизни ташкил қилади» [22]. ЕОИИ мамлакатларининг барчасида жами аҳоли таркибида пенсионерлар сони ўсиши билан бирга ўртача умр кўриш даври ҳам узайиб бормоқда.

**3-жадвал**

**Халқаро меъёрларига мувофиқ пенсия миқдорларининг минимал стандартлари** [23]

| **Стажга нисбатан талаблар** | | **Қопланиш коэффициенти (илгари олинган даромадига нисбатан моддий тўлов миқдори)** | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Ёлғиз пенсионер учун, % да | Қарамоғида бўлган пенсионер учун, % да | |
| Халқаро меҳнат ташкилотининг 102-сонли Конвенцияси, 1964 йил | Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 йил | Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 йил | Халқаро меҳнат ташкилотининг 102-сонли Конвенцияси, 1964 йил | Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1990 йил |
| ***Ёшга доир пенсия*** | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 30 йил давомида бадалларни тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда 20 йил давомида яшаш | 40 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда яшаш | 50 | 40 (пенсия ёшидаги эркак киши ва унинг тўрмуш ўртоғи учун) | 65 (пенсия ёшидаги эркак киши ва унинг тўрмуш ўртоғи учун) |
| ***Ногиронлик пенсияси*** | | | | |
| 15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда 10 йил даомида яшаш | 15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда яшаш | 50 | 40 (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан) | 65 (эркак киши турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан) |
| ***Боқувчисини йўқотганлик пенсияси*** | | | | |
| 15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки иш билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда 10 йил даомида яшаш | 15 йил давомида бадаллар тўлаш ёки меҳнат фаолияти билан банд бўлиш ёҳуд мамлакатда яшаш | 50 (бева аёл учун) | 40 (бева аёл учун) | 65 (бева аёл, икки нафар фарзанди билан) |

2021 йилда пенсия ёшининг ўртача даражаси Арманистонда 63, Белорусда 60, Қозоғистон 61,5, Қирғисистонда 60,5 ва Россия Федерациясида 59 ёшни ташкил қилган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатларида пенсия тизимининг асосий кўрсаткичлари (йил бошига)** [24]

| **Кўрсаткичлар** | Жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар(% да) | Пенсия ёши, э/а | Қопланиш коэффициенти (% да) | Ўртача умр давомий-лиги, йил |
|---|---|---|---|---|
| Арманистон | 15,1 | 63/63 | 23,2 | 75,1 |
| Беларусь | 24,3 | 62,5/57,5 | 35,8 | 74,1 |
| Қозоғистон | 11,0 | 63/60 | 30,3 | 73,2 |
| Қирғизистон | 8,3 | 63/58 | 33,1 | 71,0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Россия | 25,3 | 61,5/56,5 | 29,8 | 72,1 |

Бундай ҳолат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва пенсионерларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш нуқтаи назаридан миллий пенсия моделларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Бу борада нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиб, улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш муҳим ўрин тутади.

Тараққий этган мамлакатларда ривожланаётган мамлакатларга қараганда пенсия ёши бир мунча юқори бўлгани ҳолда умр кўриш давомийлиги ҳамда жами аҳоли таркибида 65 ёшдан ошганлар салмоғи ҳам юқоридир. Албатта, шунга мос равишда аҳолининг бандлик даражаси ҳам юқори бўлиб, бундай ҳолат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатдир. Шунингдек, ижтимоий суғурта бадаллари иш берувчи ва ишловчилар томонидан тўланади ва пенсия харажатларининг асосий қисми ана шу маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Аксинча, ривожланаётган айрим мамлакатларда (Россия Федерацияси, Арманистон, Грузия, Молдавия, Туркманистон) пенсия харажатларини молиялаштириш, асосан, иш берувчилар (ижтимоий солиқлар) ва давлат зиммасига (Давлат бюджетидан трансфертлар) юклатилган. Тараққий этган мамлакатлар ривожланган хусусий пенсия таъминоти тизимига эга эканлиги билан ажралиб туради. Иш билан бандлар билан аҳоли сонининг нисбати иқтисодиётнинг иш ўринларини яратиш имкониятини акс эттиради, шу боис аксарият мамлакатлар учун бу кўрсаткич кўпинча ишсизлик даражаси кўрсаткичидан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Нодавлат (хусусий) пенсия жамғармалари табиатига кўра икки хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий муассаса, деб ҳисобланади. Улар ёрдамида фуқаролар кексалик даврида, яъни пенсия даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам (минимал) даромад олиш имконини қўлга киритади. Ишчиларда ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бундай вазифаларни Касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконияти ҳам бор. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтдир. Бундай институт фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

«Хусусий пенсия фондлари ўзига хос функцияларни амалга оширади» [25]: ижтимоий функцияси – жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, пенсионерларни моддий жиҳатдан таъминлаш; компенсация функцияси – фуқароларни пенсияга чиқиш даврида суғуртавий ҳимоясини (муайян даромадлар даражаси шаклида) таъминлаш; жамғариладиган функцияси – пенсия бадалларининг йиғилишини, сақланишини ва кўпайишини таъминлаш; огоҳлантирувчи функция – фуқароларни пенсияга чиқиш даврида уларнинг исталган турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш ва даромадлари етишмаслиги рискини камайтириш мақсадида қўшимча пенсия таъминотини рағбатлантириш; инвестицион функцияси – вақтинча бўш турган пенсия захиралари

маблағларини ва пенсия жамғармаларини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хусусий пенсия фондлари фаолиятининг амалга оширилиши қуйидаги тамойилларга асосланиши зарур: ўзини ўзи қоплаш тамойили – пенсиялар хусусий пенсия фондининг ўз молиявий маблағлари ҳисобидан тўланади; молиявий мустақиллик тамойили – хусусий пенсия фондлари фақат ўз омонатчилари, суғурталанган шахслар ва ҳ.к. олдида молиявий мажбуриятларга эга; тўлиқ жавобгарлик тамойили – хусусий пенсия фондлари ўз мулкида бўлган пенсия захиралари ва жамғармаларининг сақланашига фақат ўзи масъул ва жавобгардир.

Фуқаролар пенсия тизимини молиялаштириш ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий суғурта ҳамда хусусий пенсия тизимига боғлиқ бўлади. Пенсия тизимларининг принципиал фарқи уни молиялаштириш усулларида ифодаланади. Пенсия тизимини молиялаштиришнинг асосий 2 хил усули мавжуд:

– тақсимланувчи (фондлаштирилмаган), бунда жорий пенсия харажатлари жорий тушумлар ҳисобидан қопланади. Бундай усул халқаро амалиётда «pay-as-you-go» деб номланади;

– жамғариб бориладиган (фондлаштирилган), бунда маблағлар махсус захира фондини шакллантиришга йўналтирилади ва маблағлар жорий ҳамда истиқболда барча пенсия тўловлари тўланишини таъминлайди.

Аксарият тараққий этган мамлакатларда пенсия таъминотини молиялаштириш тақсимланувчи пенсия тизимига асосланади.

Германия пенсия модели Австрия, Италия, Франция каби мамлакатлар ҳамда Ғарбий Европадаги аксарият мамлакатлар учун ҳам хосдир. Германия пенсия таъминоти тизими «авлодлар бирдамлиги» принципига асосланган бўлиб, ҳозирда ишлаётганлар ҳозирги пенсионерларнинг пенсиясини тўлаш учун давлат фондига суғурта бадали тўлашади. Бадал миқдори қанча юқори бўлса, ишловчининг келажакдаги пенсияси миқдори ҳам шунча юқори бўлади ва аксинча. Шу билан бирга, Германияда ривожланган хусусий пенсия таъминоти амал қилади. Фуқаролар томонидан (ихтиёрий) пенсия фонди билан шартнома расмийлаштирилиб, ҳар ойда мустақил равишда маълум миқдордаги маблағлар фондга ўтказиб борилади. Бундай ёндашув фуқароларга пенсия даврида моддий аҳволини бир мунча яхшилаб олиш имконини беради.

Германияда ижтимоий таъминот принциплари амал қилади ва ундаги пенсия таъминоти тизимини қуйидаги 5-жадвал орқали акс эттириш мумкин:

**5-жадвал**

**Германия пенсия таъминоти тизими** [26]

| **Пенсия суғуртаси турлари** | **Асосий принциплари** |
|---|---|
| Мажбурий давлат пенсия суғуртаси | Бунга қонунчилик асосида фаолият юритувчи барча тизимлар киради ва муайян шахслар учун мажбурийдир |
| Ишлаб чиқариш (корхона) пенсия суғуртаси | Аксарият ташкилотлар ўзининг собиқ ишчиларига улар пенсияга чиққанларидан сўнг қонунчиликда белгиланган пенсиядан ташқари қўшима пенсия билан таъминлайдилар |

| | |
|---|---|
| Хусусий суғурта | Бу ишчиларнинг кексалик даври учун ўзи учун ўзи қайғуришидир. Бунга кўчмас мулк сотиб олиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш ёки узоқ муддатли жамғарма омонатлари бўйича шартномалар тузиш киради |

Германияда хусусий ва жамғариб бориладиган пенсия фондларининг фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, мамлакатда пенсия тизимини молиялаштириш, нафақат, ижтимоий суғурта фондлари ҳисобига таъминланади, балки, хусусий ва жамғариладиган пенсия фондлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Қуйидаги 3.12-жадвалда пенсия суғуртасининг асосий шаклларини келтириб ўтамиз:

**6-жадвал**

**Пенсия суғуртасининг асосий шакллари** [27]

| **Асосий шакллари** | **Ихтиёрий ва якка тартибдаги пенсия суғуртаси** | | | **Давлат ижтимоий пенсия суғуртаси** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий шаклларнинг вариантлари | Жамғариб бориладиган | Хусусий суғурта фондлари | Ижтимоий суғуртага қўшилиши | Авлодлар бирдамлиги | Ижтимоий таъминот | Ижтимоий хизмат кўрсатиш |
| Молиялаштирилиши | Мустақил бадаллар ёки омонатлар ёхуд қўйилмалар | | | Меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий бадаллари | Федерал бюджет маблағлари | |

Германияда фуқароларнинг пенсия таъминоти фақат ижтимоий суғурта тизимига асосланмайди. Ноқулай демографик прогнозлар давлатдан мустақил бўлган, кексаларга ёрдам беришнинг кенг тизимига эга бўлган иқтисодий тузилмалар ривожланишини рағбатлантирди. Қуйидаги 1-расмда кекса ёшдагиларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича жамиятнинг ўзаро муносабатлари акс эттирилган:




**1-расм. Германияда кексаларнинг пенсия таъминоти** [28]

Ҳозирги кунда Германияда кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча тизимини уч даражали тизим сифатида тавсифлаш мумкин. Жумладан:

– биринчи даража – мажбурий давлат пенсия суғуртаси. Бунга қуйидагилар киради: ишчилар ва хизматчилар учун қонун билан белгиланган пенсия суғуртаси; давлат тизимида ишлайдиган давлат хизматчиларининг пенсия суғуртаси; фермерлар ва уларнинг оиласи учун кексалик даврида давлат томонидан бериладиган ёрдам; турли касб эгаларининг пенсия таъминоти (шифокорлар, архитекторлар, адвокатлар, нотариуслар ва ҳ.к.);

– иккинчи даража – ишлаб чиқариш пенсия суғуртаси (корхона ва фирма раҳбарларининг ихтиёрий иши). Ташкилотлар томонидан пенсияларни тақдим қилиш тизими Касаба уюшмалари ва иш берувчилар Ассоциацияси ўртасидаги тарифли келишувни назарда тутади. Германияда деярли ишчиларнинг ярми корхоналар билан нодавлат пенсия таъминоти бўйича шартномаларга эга;

– учинчи даража – хусусий суғуртага асосланган пенсия таъминоти. Бунда хусусий капитал яратишнинг намунавий шакли бўлиб, маблағларни жамғариш мақсадида ҳаёт суғуртаси бўйича шартнома тузиш ҳисобланади.

Германияда барча банклар ҳузурида нодавлат пенсия фонди ташкил этилган ва мижозларнинг пул маблағлари ушбу фондга жойлаштирилади.

Умуман олганда, Германияда фуқароларни кексаликда ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурий пенсия суғуртаси зиммасига юклатилган. «Германияда 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган жами аҳолининг 78 фоизи суғурталанган шахслар ҳисобланади» [29].

Германияда мажбурий пенсия суғуртаси иккига бўлинади: давлат хизматчиларининг пенсия таъминоти – федерал даража (BFA); ишчиларнинг пенсия таъминоти – ҳудудий даража (LVA).

Франция пенсия тизимининг асосий хусусияти шундаки, бу тизим икки асосий принципга таянади: 1) авлодлар бирдамлиги (пенсиялар ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобидан тўланади; 2) жамғариладиган пенсияларни суғурталаш (пенсиялар киши ҳаётининг бутун умри давомида тўплаб борилган маблағлари ҳисобидан тўланади).

Франция пенсия тизимининг ўзига хослиги унинг таркибида хилма-хил алоҳида пенсия дастурларининг кўплигидир. Франция пенсия тизими бошқа ИҲТТ мамлакатлари пенсия тизимлари каби уч даражали бўлса-да, унинг биринчи ва иккинчи даражалари давлат мажбурий пенсияси тизими таркибида эканлиги билан бошқа тизимлардан фарқланади. Маълумки, Жаҳон банкининг ҳалқаро таснифи бўйича пенсия тизимининг иккинчи даражасини давлат ва хусусий шакллардаги мажбурий касбий пенсия дастурлари ташкил этади.

Франция пенсия тизими уч даражали тизим сифатида характерланади [30]:

– биринчи даража – мажбурий пенсия суғуртаси. Мазкур даража, ўз навбатида, тўрт гуруҳга ажратилади: ишчи ва хизматчилар ҳамда аҳолининг айрим тоифалари (санъат усталари ва ёзувчилар, ҳунармандлар, уйда хизмат қилувчилар ва бошқ.)нинг пенсия суғуртаси; давлат хизматчилари пенсия таъминоти; фермерлар (уларнинг оила аъзолари учун ҳам) ёшга доир пенсиялар, профессионал гуруҳлар (врачлар, фармацевтлар, ветеринарлар, архитекторлар, адвокатлар, нотариуслар ва ҳ.к.) бўйича пенсия таъминоти;

– иккинчи даража – «корхонадан пенсия». Кўпчилик корхоналар собиқ ходимларига қонун билан белгиланувчи пенсия суғуртасига қўшимча равишда пенсия

тўлайди. Кексаликда ҳимоялашнинг мазкур шакли ихтиёрий ҳисобланади, яъни корхона собиқ ходимига кўшимча пенсия тайинлаш ва тўлашни ўзи мустақил ҳал этади;

– учинчи даража – хусусий усул орқали ўз кексалиги юзасидан ғамхўрлик. Мазкур даража хусусий капитални шаклантиришнинг барча турларини (кўчмас мулк сотиб олиш, қимматли қоғозлар фондини ташкил этиш, узоқ муддатли жамғарма шартномаларини имзолаш ва б.) қамраб олади. Кўпчилик мамлакатларда пенсия фондига ҳам иш берувчи, ҳам ёлланма ишчилар мажбурий пенсия бадалини тўлайдилар. Шундай мамлакатлар ҳам мавжудки, уларда иш берувчиларга нисбатан ёлланма ишчиларнинг пенсия бадали юқори ҳисобланади. Аксарият мамлакатларда иш берувчиларнинг пенсия фондига мажбурий тўловлар миқдори юқори. Ҳар иккала ҳолатда ҳам пенсия фонди ўз даромадлари билан харажатларини қоплай олмаслиги сабабли пенсия таъминотида давлат иштироки кузатилади.

Бундан кўринадики, Франция уч даражали пенсия тизимига эга бўлиб, ушбу тизим пенсионерларни ҳар томонлама ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда пенсия, асосан, учта манба орқали таъминланади: давлат томонидан бериладиган пенсия тўлови; корхона ҳомийлик қиладиган (ҳисса қўшадиган) пенсия режалари; шахсий жамғармалардан йиғиладиган пенсия фонди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро пенсия назариясида «пенсия режаси» (пенсия схемаси) тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Пенсия режалари ишчиларни меҳнат фаолияти якунланганидан сўнг доимий равишда маблағлар билан таъминлаш учун улардан ва уларни ёллаган хўжалик юритувчи субъектлардан олинган пенсия бадалларидан ташкил топган активларни режали бошқаришни англатади. «Пенсия режалари дунёдаги энг катта капитални ўзида жамлаган молиявий тизим ҳисобланади» [31].

«АҚШ фуқаролари уч турдаги пенсиялар олиш имконига эга» [32]: давлат пенсиялари (тақсимланувчи), (ижтимоий пенсиялар); корпоратив пенсиялар, яъни иш жойи бўйича хусусий-жамоавий пенсиялар; шахсий пенсия ҳисоб-рақамини очиш йўли билан хусусий якка тартибдаги пенсиялар.

АҚШ пенсия тизимидаги маблағлар турли молиявий воситаларга (қимматли қоғозлар ва ҳ.к.) инвестиция қилинади ва бу ҳол пенсия маблағлари барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Пенсия маблағлари миқдори, нафақат, маблағларнинг турли молиявий воситаларга инвестиция қилинишига, балки, ўртача иш ҳақи миқдори ва шунга мос равишда суғурта бадаллари миқдорига ҳам бевосита боғлиқдир.

Давлат пенсиялари тизимида пенсионерлар ҳозирда ишлаётганлар ҳисобидан тўланадиган суғурта бадаллари ҳисобидан пенсия олишади, яъни «авлодлар бирдамлиги» принципи амал қилади. «АҚШдаги энг йирик давлат пенсия тизими – бу Умумий Федерал дастур (Social Security) ҳисобланиб, иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлганларнинг барчасини қамраб олади» [33] ва ушбу тизим «тақсимланувчи» принцип асосига қурилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, АҚШда пенсия тизимини қуйидаги 2-расм орқали ифодалаш мумкин:




**2-расм. АҚШ пенсия тизими** [34]

**Хулоса ва таклифлар.** Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, дунёда демографик вазиятнинг ўзгариши мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизимига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳолининг қариши тенденцияси пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига ва аҳоли кекса қатламининг турмуш фаровонлиги пасайишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолат жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида «пенсия инқирози» содир бўлиши эҳтимолини кучайтирмоқда. Шу сабабли тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда пенсия тизимини барқарор ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– кўп босқичли (тақсимланувчи, жамғариб бориладиган ва хусусий) пенсия тизимини жорий қилиш зарур. Бунда минимал пенсия қийматининг кафолатланган мажбурий бирдамлик тизими, минимал пенсия қийматини шахсий бадаллар ҳисобига ортиши кафолатланган мажбурий жамғариладиган пенсия тизими ҳамда шахсий қўшимча жамғармалар ҳисобига пенсия қийматини ортишини таъминловчи ихтиёрий жамғариладиган пенсия тизими назарда тутилади;

– аҳолининг ўртача умр кўриш даврининг узайиб боришига мутаносиб равишда пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш лозим;

илғор хориж тажрибаларига таяниб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини яхшилаш ва пенсия тизимининг самарасини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январга қадар фуқароларнинг иш ҳақидан ундирилиб келинган ижтимоий суғурта бадалини қайта жорий қилиш керак.

## Адабиётлар/Литература/References:

1. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К$^0$», 2009. – С. 7.
2. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA.: «Auerbach Publications», 2008. – 240 p.

3. Collin Campbell. Social Insurance in Figures 2018. Swedish Social Insurance Agency. – Stockholm, Sweden. 2018. – 70 p.
4. Gemma Charlotte Tetlow. Essays on the Economics of Retirement and Pensions. A dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy of University College London. – England: Department of Economics University College London. 2015. – 224 p.
5. Роик В. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 350 с.
6. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: «КГУ», 2013. – 106 с.
7. Хить Л.В. Комплексная оценка эффективности пенсионной системы как приоритетное направление социально-экономической политики России. // Ж. Теория и практика общественного развития. 2010. №2. – С. 272-273.
8. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: «Университет», 2017. – 128 б.
9. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: «Иқтисод-молия», 2018. – 200 б.
10. Ражабов Ш.У. Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. – 71 б.
11. Old age in Europe. Luxemburg, 2001. – P.5.
12. Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерация в посткризисный период: автор… к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ.2013. – С. 31.
13. Волков Я. Моделирование пенсионных реформ и оценка неявного пенсионного долга // Вопросы экономики. –Москва, 2009. - №4. – С. 113-127.
14. Каледина А., Горелик О. От здоровых людей сплошной вред // Известия. –М., 2008. (февраль). №22. – С. 9.
15. Хмыз О.В. Пенсионная реформа и демографическая ситуация//Финансы и кредит. – Москва, 2008. - №30(318). – С.54-61.
16. Могилко С., Недосекин А. Реформирование системы пенсионного обеспечения: мировой опыт: http://pensionreform.ru/58599 - интернет манбаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.
17. Dynamic Social Security for Europe: A social model for recovery and growth // Social Policy Highlight. Geneva: International social security association, 2010. - №11. – P. 2.
18. Eurostat regional yearbook 2014. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2014. – P. 30.
19. http://dx.doi.org/10.1787/888932907927 маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.
20. Муравлева Т.В. Новые подходы к определению пенсионного возраста//Финансы и кредит. – Москва, 2011. - №43(475). – С.2-6.
21. http://economic-definition.com.
22. OECD Pensions at a Glance. 2019. OECD and G20 indicators. OECDPublishing, Paris. – P. 154.
23. Конвенция N102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.; https://rm.coe.int/16802f4244.
24. Пенсионное обеспечение. Статистика Евразийского экономического союза за 2021 год. Евразийская экономическая комиссия. Материал подготовлен Департаментом статистики. – Москва. 2-49 с.

25. Талыкова А.А. Негосударственные пенсионные фонды в России: закономерности развития и совершенствование управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук – М.: ГУУ. 2010. – С. 11.
26. Зырянова Т.В. Кот Е.М. Зарубежный и отечественный опыт регулирования пенсионной системы. – Екатеринбург: «Финансы и кредит», №2 (170), 2007. – С. 27-28.
27. Lampert, H. Lehrbuch der Sozialpolitik. / H. Lampert. – Berlin: Heidelberg,1991. – P. 188.
28. Wienand, M. Sozialsystem und soziale Arbeit in der BundesrepublikDeutschland / M. Wienand. – Frankfurt am Main, 1999. – P.60.
29. Зырянова Т.В. Кот Е.М. Зарубежный и отечественный опыт регулирования пенсионной системы. – Екатеринбург: «Финансы и кредит», №2 (170), 2007. – С. 28.
30. Развитие пенсионных систем мира: опыт, динамика, современность. Институт социальных исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Информационно-аналитический бюллетень. Выпуск № 7. Июнь. – Ташкент. 2016. – С. 15.
31. **www.biznes-daily.uz**.
32. http://www.the-village.ru/village/business/figures/245795-pensii.
33. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “КГУ”, 2013. – С. 27.
34. Развитие пенсионных систем мира: опыт, динамика, современность. Институт социальных исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Информационно-аналитический бюллетень. Выпуск № 7. Июнь. – Ташкент: 2016. – С. 8.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).